2016 ЙИЛ 14 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 78 (13.141)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



“Ўзкўргазмасавдо” марказида банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари “BankEXPO – 2016” миллий кўргазмаси бошланди.



Ёлкин Шамсиддинов олган суратлар

МАМЛАКАТИМИЗ БАНК ТИЗИМИ САЛОҲИЯТИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар ҳамда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмиталари, Ўзбекистон Банклар ассоциацияси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати кўмагида ташкил этилди.

Президентимиз раҳнамолигида банк тизимини тубдан ислоҳ этиш ва янада эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар самарасида банкларнинг капиталлашув даражаси юксалиб, инвестицион фаоллиги кенгайиб бораётир. Масалан, 2015 йилда банк тизимининг жами капитали 2014 йилга нисбатан 23,3 фоиз кўпайиб, 7,8 триллион сўмга етди. Сўнгги 5 йилда бу кўрсаткич 2,4 баробар ўсди. Мамлакатимиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 24 фоизни ташкил қилади ва бу умумқабул қилинган халқаро стандартлардан 3 марта, ликвидлик даражаси эса энг юқори индикатор кўрсаткичлардан 2 марта кўпдир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг ўринбосари А.Ҳайдаров, Банклар ассоциацияси раиси С.Абдуллаев бугунги кунда мамлакатимизда 26 банк ва уларнинг 800 дан ортиқ филиал ва бўлимлари самарали фаолият кўрсатаётганини таъкидлади. Сўнгги йилларда ушбу муассасалар томонидан бозор ставкалари бўйича турли депозитлар жорий этилди, пластик карталар орқали ҳисоб-китоб тизими ривожланмоқда.

“BankExpo – 2016” кўргазмасида банк-молия секторидаги янги технология ва хизматларни намойиш этаётган тижорат банклари, етакчи суғурта, лизинг ва инвестиция компаниялари, молия муассасалари учун IT маҳсулотлар ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган компаниялар иштирок этаётир.

“Асака” давлат-акциядорлик тижорат банки стенди гавжум. Мамлакатимиз иқтисодий ҳаётининг барча иштирокчилари билан ҳамкорлик қилишга интилаётган мазкур банк мулкчилик шакли ва фаолиятидан қатъи назар, барча хўжалик субъектлари, шунингдек, аҳоли ижтимоий қатламларининг турли талабларига жавоб бериш вазифасини ўз олдига қўймоқда. Кўргазмада банк пластик карталар, лизинг, таълим кредитлари, омонатлар бўйича хизматларни намойиш этмоқда, тадбиркорларга инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш учун хорижий линиялар бўйича кредитлар таклиф қилмоқда.

“Ўзсаноатқурилишбанк” акциядорлик тижорат банки ҳам жисмоний ва юридик шахсларга кенг турдаги хизматлар таклиф этаётир. Кўргазмада ушбу молия институти мутахассислари замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда мавжуд имкониятлар ҳақида сўзлаб бермоқда. “Банк-мижоз”, “Корпоратив интернет-банкинг”, “Шахсий кабинет”, “SMS-банкинг”, “Мобиль банкинг”, “Мобиль коммунал инспектор”, “Call-марказ” шулар жумласидандир.

– Шу ойдан омонат операцияларини амалга оширишда омонатчиларни биометрик идентификациялаш тизимини жорий этдик ва бу аҳоли омонатларини ҳимоя қилишни кафолатлайди, – дейди “Ўзсаноатқурилишбанк” акциядорлик тижорат банкининг бўлим бошлиғи Ш.Гултўраев. – Мазкур тизим ҳисобрақам эгасининг иштирокисиз омонат операцияларини амалга оширишни истисно этади. Кўргазмада тақдим этилган махсус монитор орқали мижозларимиз реал вақт режимида улар омонатлари бўйича амалга ошириладиган операциялар билан танишиши мумкин.

Кўргазмада тўққизинчи марта иштирок этаётган “Алоқабанк” акциядорлик тижорат банки аҳолининг кредитлардан фойдаланиш даражасини ошириш, уларни қайтаришнинг турли усулларини таклиф қилмоқда. Бундан ташқари, банк мамлакатимизга илғор технологияларни жалб этиш, корхоналарни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилган инвестиция лойиҳаси ҳамда дастурларини молиялаштирмоқда.

– Биз интерфаол хизматларни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, – дейди “Алоқабанк” раисининг ўринбосари Х.Раҳматов. – Бугунги кунда хизматларимиз сони ўндан ошди. Масалан, “CLICK” масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда пластик карталар эгаларига турли хизматларни “CLICK” тизими орқали реал вақт режимида тўлаш имконияти тақдим этилган. Шу билан бирга, мижозларимизга банкдаги ҳисобрақамни мобиль телефон орқали масофадан туриб бошқариш хизматини таклиф этмоқдамиз.

Шунингдек, кўргазмада тадбиркорликни, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-режасини қўллаб-қувватлашда банклар билан кенг ҳамкорлик қилиб келаётган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, “Тадбиркор аёл”, “Ҳунарманд” уюшмалари ва бошқа бир қатор ташкилотлар ўз хизматларини намойиш қилмоқда. Суғурта компаниялари ҳам замонавий хизматлар таклиф этаётир.

Кўргазма якунида тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, ёш тадбиркорлар лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича ўтказилган танловлар ғолиблари эълон қилинади. Уларга имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар топширилади.

М.МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири

“ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА”

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси Хитойнинг эксперт-таҳлил ҳамда ишбилармон доиралари вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Унда иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада тараққий топтириш бўйича илгари сурилган устувор вазифалар кенг муҳокама қилиниб, атрофлича ўрганилмоқда.

Хусусан, **Фудан университети ҳузуридаги Марказий Осиё мамлакатлари ва Россия тадқиқотлари маркази директори Чжао Хуашен** “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, қўлга киритилаётган ютуқларни юксак баҳолади.

— Ўзбекистон ўз олдига қўйган улкан мақсадлар сари дадил одимлаб, уларга босқичма-босқич эришаётгани, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, аҳоли ҳаёт даражасини юксалтиришга қаратилган ишларни изчил давом эттираётгани диққатга сазовор, — дея таъкидлади у. — Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида сақланиб турган мураккаб шароитга қарамасдан, мамлакатингизда улкан муваффақиятларга эришилаяпти. Бунинг замирида олиб борилаётган оқилона сиёсат, тинимсиз меҳнат ётганини хитойликлар яхши англашади. Қолаверса, республикангизда саноат салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялашга жиддий аҳамият қаратилиб, бу борада зарур шарт-шароитлар яратиб берилганидан хабардормиз. Натижада Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан оғишмаган ҳолда, барқарор ривожланиш суръатларини сақлаб турибди.

Минтақа бўйича мутахассис сифатида эътиборимни тортган жиҳат шундаки, давлатингиз раҳбарияти тизимли ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Шубҳасиз, бу ғоятда муҳим масала бўлиб, мазкур соҳа аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга мустаҳкам замин яратади.

Бу каби ислоҳотлар Ўзбекистон иқтисодиётида 2016 йилда ҳам юқори ўсиш суръатларига эришилиб, улкан муваффақиятларга асос бўлиб хизмат қилишига ишонаман.

“Жаҳон” АА
Шанхай

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А.Аҳмадбоев ШҲТга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг йиғилишида қатнашиш учун мамлакатимизга келган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, жамоат хавфсизлиги вазири Го Шэнкун билан учрашди.

Мулоқот чоғида ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойилларига асосланган Ўзбекистон – Хитой муносабатлари турли йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарлари учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналиши турли таҳдид ва хавф-хатарларга биргаликда қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни янада фаоллаштиришдан иборатдир. Ўзбекистон ва Хитой минтақада, дунёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшаётган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратмоқда.

Учрашувда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, фуқаролар осойишталигини таъминлашга қаратилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётгани алоҳида қайд этилди.

Тадбирда терроризм, экстремизм ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Хитой Халқ Республикаси Жамоат хавфсизлиги вазирлиги ўртасида 2016-2017 йилларда ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида Протокол имзоланди.

(ЎзА)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Термизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ўрганишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Сим орқали мулоқот тарзида ташкил этилган йиғилишда сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, тегишли бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Тошкент вилоятида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига бағишланган семинар ўтказилди.

● Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган “Биз – буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остидаги ёшлар фестивали Навоий вилоятида ҳам кўтаринки рухда ўтди. Фестиваль якунида Навоий шаҳридаги “Ёшлар” спорт мажмуасида таниқли санъаткорлар иштирокида “Мустақиллик фарзандлари” гала-концерти намойиш қилинди. Тадбирда фаол иштирок этган ёшлар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилояти кенгаши томонидан “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижросини таъминлашда депутатлар иштирокига бағишланган тадбир ўтказилди.

● Андижон вилояти Андижон туманидаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган тадбир “Касблар фестивали” деб номланди.

ЖАҲОНДА

● Европа Иттифоқининг Австрия, Бельгия, Франция, Германия ва Италия давлатлари Иттифоқнинг қолган аъзоларини газ билан таъминлаш бўйича қонун лойиҳасини ўзгартириш таклифи билан чиқди. Унда фавқулодда вазиятларда минтақавий бирлашиш ва ҳамжиҳатлик соҳасида янги қоидалар кўзда тутилган.

● Кеча Папуа-Янги Гвинеяда кичик самолётнинг ҳалокатга учраши натижасида 12 киши ҳаётдан кўз юмди.

● Францияниng “Airbus Group SE” авиаконцерни Германиянинг “Siemens AG” саноат бирлашмаси билан электр қуввати ва авиация ёқилғисида ҳаракатланадиган самолётлар технологиясини яратиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйишди. Лойиҳа муаллифларининг билдиришича, 2030 йилга бориб қисқа йўналишларга ўртача юз ўринли инновацион самолётларнинг парвозлари йўлга қўйилади. Ушбу янги самолётлар шовқин пастлиги ва ёнилғи тежамкорлиги, ҳавони кам ифлослантириши билан ажралиб туради.



Ёлқин Шамсиддинов олган сурат

Экология

"NESTLE UZBEKISTAN" — ЗАМОНАВИЙ КОРХОНА

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан пойтахтимиздаги "Nestle Uzbekistan" масъулияти чекланган жамиятига медиатур ташкил этилди.

Тадбирда аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланаётгани, Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес учун яратилаётган имкониятлар самарасида бу соҳада ҳам ишлаб чиқариш ривожланаётгани таъкидланди.

"Nestle Uzbekistan" масъулияти чекланган жамияти ана шу йўналишда фаолият юритаётган замонавий корхоналардан биридир.

Мазкур жамиятнинг Тошкент заводи директори Отабек Азизовнинг айтишича, ушбу корхонада "Nestle" савдо белгиси остида йилига қарийб етмиш минг тонна экологик соф ичимлик суви ишлаб чиқарилмоқда. Қарийб 122 метр чуқурликдан олинаётган ер ости суви бир неча босқичда қайта ишланиб, сувнинг сифати физикавий, кимёвий, микробиологик лабораторияда чуқур текширилгач, идишларга қадоқланиб, истеъмолчига етказилади. Ишлаб чиқариш жараёнларида замонавий технологиялар қўлланилаётгани сифат ва самарадорлик омили бўлаётир.

Тадбирда ичимлик суви ишлаб чиқариш саноатида тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган экологик лойиҳалардан аҳолининг хабардорлигини ошириш ва жамиятимизда экологик маданиятни юксалтириш борасидаги вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Журналистлар "Nestle Uzbekistan" масъулияти чекланган жамияти Тошкент заводининг ишлаб чиқариш цехларида қўлланилаётган замонавий технологиялар, "яшил иқтисодиёт"га йўналтирилган лойиҳалар билан танишди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази қошида Ўқув-симуляция маркази очилди.

ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги раҳбари С.Чам ва бошқалар Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилаётган "Соғлом она – соғлом бола" дастури оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялашда юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий ислоҳотлар аҳоли, жумладан, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётир. Бирламчи тиббий-профилактика муассасалари, ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология, педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказлари, ҳудудлардаги болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари томонидан бу йўналишда аҳолига кенг кўламли тиббий хизмат кўрсатилаётир.

Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, клиникалар бу борада дунёдаги нуфузли илм-фан муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган Ўқув-симуляция маркази ушбу йўналишдаги ишлардандир.

Мазкур марказда акушер-гинеколог, анестезиолог-реаниматолог, неонатолог, доя ва ҳамшираларнинг касб малакаси ва маҳорати оширилади. Муассасанинг замонавий ахборот ва тиббий технологиялар билан жиҳозлангани ўқув жараёнида назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш имконини беради.

– Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда, – деди ЎзА мухбирига Сердар Чам. – Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 2016 йил Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилингани она ва бола саломатлигини таъминлашга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилаётганининг яна бир ифодасидир. Соғлом фарзандни дунёга келтиришда, оналар саломатлигини муҳофаза қилишда шифокорларнинг роли беқиёс. Ушбу марказ соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш, она ва бола муҳофазасини янада яхшилашга хизмат қилади. Бундай хайрли ишларга ҳисса қўшаётганимиздан беҳад мамнунмиз.

Туркия делегацияси аъзолари "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси биносининг очилиш маросимида ҳам иштирок этди. "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондига ўнта "Mercedec Benz" русумидаги мобиль клиника тақдим этилди. Қатор вазирлик ва идораларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказилди.

Нодира МАНЗУРОВА

ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ АЛМАШИШ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан мамлакатимиз ҳудудларида "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бошқармалари фаолиятига "электрон ҳукумат" тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг долзарб масалалари" мавзусида семинарлар ўтказилмоқда.

Худди шундай тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҳам бўлиб ўтди. Семинар Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонунининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, ушбу тизимни жорий қилиш ва ривожлантиришда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари олдида турган вазифаларга бағишланди.

Унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг раҳбарлари, масъул ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, кенг доирадаги ахборот-коммуникация соҳасининг мутахассислари ва экспертлар иштирок этди.

Мамлакатимизда барча соҳаларга ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиш ва сифатли хизмат кўрсатишни таъминлайди.

"Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун мамлакатимизда "электрон ҳукумат" тизимини жорий қилиш ва ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини аниқ ифодалаб берувчи меъёрий ҳужжатдир. Уни амалда татбиқ этишда давлат органларининг фаол иштироки талаб этилади. Давлат идораларининг "электрон ҳукумат" соҳасида ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини, шунингдек, интерактив давлат хизматларини ишлаб чиқиши, уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, аҳолига мисофадан туриб сифатли хизмат кўрсатиш қонунда белгилаб берилган.

Мазкур қонун давлат органлари электрон давлат хизматларини кўрсатишда, шу жумладан, идоралараро электрон ҳамкорлик доирасида давлат органларининг юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларини тартибга солади.

Семинар доирасида қонун нормаларини амалда татбиқ этиш, давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уларнинг қонун билан белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ талқин қилиш бўйича тушунчалар берилди.

Абдували СОДИҚОВ

Анжуманлар

КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Кадрлар малакасини ошириш, уларни замон талаблари асосида қайта тайёрлаш, ушбу тизимни модернизациялаш бугунги кунда долзарб масалалар сирасига киради ва бунга муҳим эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 январдаги "Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ўтказиладиган халқаро илмий ва илмий-техник анжуманлар режаси тўғрисида"ги фармойиши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 23 январдаги "2016 йилда халқаро, республика миқёсида илмий ва илмий-техник анжуманларни ўтказиш тўғрисида"ги буйруғи ва институтнинг 2016 йил иш режасига киритилган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида "Барқарор ривожланиш талабларидан келиб чиққан ҳолда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини модернизациялаш" мавзусида Халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

Конференция ишида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, ЮНИСЕФ ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Ўзбекистонда касбий малакани ривожлантириш халқаро лойиҳаси, Немис халқ университетлари ассоциациясининг Ўзбекистондаги филиали, Британия кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, E-line Информацион ресурслар ташкилоти, Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари (МҲД), жумладан, Россия, Украина Қозоғистон давлатларидан, Республикамизда мазкур соҳада илмий-тадқиқот олиб бораётган олий таълим муассасалари профессорлари, катта илмий ходим-тадқиқотчилар, малака ошириш марказлари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг раҳбар ходимлари ҳамда амалиётчи педагоглар ўз маърузалари билан иштирок этдилар. Шўъбалар йиғилишида мавзу бўйича масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ўтказилган видеосеминарда ёшларни ишга жойлаштириш масаласи муҳокама қилинди.

Бандлик дастури — амалда

БИТИРУВЧИЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ШТАБЛАРИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш республика илмий маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари, ўқитувчилар, иш берувчи корхоналар вакиллари, ўқувчилар иштирок этди.

Университет проректори И.Аҳмедов, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бошқармаси бошлиғи А.Раҳмонов ва бошқалар таълим билан амалиётнинг узвий олиб борилаётгани замонавий билим ва ишлаб чиқариш кўникмасига эга ёш мутахассислар тайёрлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 мартдаги "Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида ўтган ўқув йилида касб-ҳунар коллежларини тамомлаган 482 мингдан зиёд ўғил-қизнинг тўққсон тўрт фоизи ишга жойлашган. 13 мингдан зиёд ёш тадбиркор тижорат банкларидан 142 миллиард сўм имтиёзли кредит олиб, ўз бизнесини йўлга қўйган.

Жорий ўқув йилидан битирувчилар бандлигини таъминлаш тўрт томонлама шартнома ("корхона – коллеж – битирувчи – ҳокимлик") асосида амалга оширилмоқда. Битирувчилар учун 300 миллиард сўмдан зиёд маблағлар имтиёзли равишда берилиши режалаштирилмоқда.

Эндиликда туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари ҳузурида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, уларни ишга жойлаштириш штаби фаолият кўрсатади. Ҳар йили касб-ҳунар коллежлари ва лицейларга қабул режасини ишлаб чиқишда 3-4 йилдан сўнг туман, шаҳар ва вилоятлар ҳудудида қандай янги объектлар ишга туширилиши, уларда меҳнат қилиш учун қайси мутахассисликлар бўйича кадрлар кераклиги ҳисобга олинади.

Видеосеминарда иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

(ЎзА)

Коммунал хўжалиги: бурч ва масъулият

МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Мамлакатимизда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, уй-жой фондлари ва ижтимоий соҳа объектларини қишки мавсумга тайёрлаш, коммунал тизимларни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Тошкент шаҳрида ҳам иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини 2015-2016 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жойларда кўп қаватли уй-жойларни таъмирлаш, атроф ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида қарийб саккиз ярим минг кириш йўлаклари тўлиқ таъмирдан чиқарилди, йўлакларнинг эскириб қолган эшиклари ўрнига 500 та темир эшиклар ўрнатилиб, уч мингдан ортиқ йўлаклар кодли қулфлар билан таъминланди. Шунингдек, тўққиз юзга яқин лифт кабиналари жорий таъмирланиб, салкам беш ярим минг-та кўп қаватли уйларнинг ертўлалари тартибга келтирилди. 256 та болалар ва спорт майдончалари қурилди ҳамда мавжуд майдончалар қайта таъмирланди.

Бундан ташқари, кўп қаватли уй-жойларнинг олд қисмидаги йўлакларга янги технология асосида қоплама ётқизиш мақсадида ишлаб чиқилган режа асосида бугунги кунга қадар кўп қаватли уйлар олдидаги 336 минг квадрат метр йўлаклар бетон қоришмаси билан қопланди.

2015-2016 йилларда куз-қиш мавсумини беталофат ўтказиш ва ширкатларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида дастурларда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун тижорат банклари томонидан 2015 йил давомида жами 32,5 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари кўп қаватли уй-жой фондини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ва уларнинг олд қисми йўлакларини таъмирлашга ажратилиши режалаштирилган эди. Амалда бу мақсадлар учун жами 37,4 миллион сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Мавсумда кўп қаватли уй-жойлардаги иссиқлик тизимларини тўлиқ ишлашини таъминлаш мақсадида режа асосида 8728 та биноларнинг иссиқлик тизимлари босим остида ювилди. Ҳар бир уй бўйича иссиқлик тизимларини босим остида ювиш, иссиқлик бўғинларини таъмирлаш ишлари кенг жамоатчилик (маҳалла фуқаролар йиғини, ХУЖМШлар вакиллари, уй, йўлак бошлиқлари ва яшовчилар) назоратида бажарилди.

Истеъмолчиларга етказиб берилаётган коммунал хизматларнинг сифатини ошириш, тизимларни модернизация қилиш ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан муҳандислик тармоқлари ва иншоотларини жорий ва мукаммал таъмирлаш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, ҳозирга қадар табиий газ, ичимлик суви, электр энергияси етказиб берувчи тизимларда, трансформатор пунктлари ҳамда иссиқлик энергиясини етказиб берувчи қозонхоналарда таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Ижтимоий соҳа объектларидан 12 та мактаб, бешта Меҳрибонлик уйи ва интернатлар мукаммал таъмирдан ҳамда 274 та мактаб, 13 та Меҳрибонлик уйлари ва интернатлар, 412 та мактабгача таълим муассасалари ва 64 та касалхоналар жорий таъмирдан чиқарилди.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Тошкент шаҳар ҳокимининг 2016 йил 22 мартдаги Тошкент шаҳрида иссиқлик мавсумини якунлашга оид қарорига асосан ҳозирги кунда 2016-2017 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Шу муносабат билан, Сизлардан кейинги куз-қиш мавсуми олдидан кўп қаватли уй-жой фонди ва коммунал тармоқлар ҳолатини яхшилаш юзасидан таклиф ва талабларингизни шаҳар ва туман штабларига қуйидаги телефон рақамлари орқали етказишингиз мумкинлигини билдирамиз.

— Тошкент шаҳар штаби 256-81-69, 70, 72, 73
— Бектемир туман штаби 295-02-88
— Миробод туман штаби 233-48-67
— М.Улуғбек туман штаби 268-02-54
— Олмазор туман штаби 227-12-28
— Сергели туман штаби 257-50-80
— Учтепа туман штаби 274-16-76
— Чилонзор туман штаби 273-84-60
— Шайхонтоҳур туман штаби 241-91-32
— Юнусобод туман штаби 234-04-32
— Яккасарой туман штаби 255-74-07
— Яшнобод туман штаби 283-98-46



Отабек Мирсоатов олган сурат

ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ – БАҒРИКЕНГЛИК ИФОДАСИ

Миллий матбуот марказида "Ярашув институти – халқимизга хос бағрикенглик ва олижаноблик ифодаси" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қонунчилигимизда инсонпарварлик, бағрикенглик тамойиллари ўз ифодасини топгани, бу инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

2001 йил 29 августда "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуннинг қабул қилингани улкан ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этди. Мазкур қонун билан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш доираси кенгайтирилди, ярашув институти жорий этилди.

– Ярашув институти жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг бир тури сифатида шахснинг айбдорлик масаласини ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асос бўлади, – дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги тадқиқот маркази бўлим бошлиғи Раҳимқул Тошбоев. – Ҳозирги кунда Жиноят кодексининг 44 моддасида назарда тутилган 60 жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг "Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги қарори шу йўналишдаги ишларнинг тўғри ва бир хилда кўриб чиқилиши ҳамда ягона суд амалиётини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Тарафларнинг ярашиши муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш мамлакатимизда адолат ва инсонпарварлик тамойиллари қарор топганининг амалдаги яна бир ифодасидир.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Н.АБДУРАИМОВА

Буюк неъмат

ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАМЛИК – ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Бугунги кунда тинчлик аталмиш буюк неъматнинг қадри, аҳамияти янада яққолроқ номоён бўлмоқда. Ахир тинчлик ҳукм сурмаган жойда осмон шундай беғубор, ҳаво шундай мусаффо бўладими?! Одамлар хотиржам бунёдкорлик руҳи билан яшайдими?! Йўқ, асло!

Инсон бахти учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларга, аввало, тинчлик орқали эришилади. Тинчлик ҳукмрон бўлсагина буюк ва эзгу орзуларни кўнглимизга тугишимиз, уларнинг рўёби учун интилишимиз мумкин. Юрти тинч, кўнгли хотиржам халққа тўй-тантаналар, шодлигу хуррамлик ярашади, аҳиллик ва тотувлик, қутбарака ҳамдам бўлади. Халқимиз бу олий неъматни доим улуғлаб келишининг, ҳар сафар дуога қўл очганда Яратгандан аввало эл-юртга тинчлик ва осойишталик, фаровонлик ва ободлик тилашининг сабаби ҳам шунда.

Одамлари тинч ва тотув эл тараққиёт сари дадил одимлайди. Зотан, Юртбошимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистонимиз мустақил тараққиёт йўлида қандай улкан, бошқаларнинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва марраларга эришган бўлса, буларнинг барчасининг негизи – юртимизда тинч ва осуда ҳаёт, миллатлар ва фуқароларо тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни асраб-авайлаб келаётганимиздадир.

Дарҳақиқат, истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда барқарорликни таъминлаш, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини асрашга алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, тинч ва осуда ҳаётимизни ҳимоя қилишнинг мустаҳкам қалқони бўлган Ўзбекистон Қуролли Кучлари шакллантирилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Мудофаа тўғрисида", "Терроризмга қарши кураш тўғрисида", "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ва бошқа қатор қонунлар мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминлашнинг, турли миллат ва элатлар ўртасидаги аҳиллик, ҳамжиҳатликнинг ҳамда халқимиз бахтли ҳаётининг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ривожланишнинг "ўзбек модели" муваффақиятининг бош омили ҳам юртимизда тинч ва осойишта ҳаёт барқарор таъминланаётганидадир. Айнан тинчлик аталмиш буюк неъмат сабабли мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги изчил ислоҳотлар юксак самаралар бермоқда. Янгидан-янги йирик саноат корхоналари, таълим, тиббиёт, маданият, спорт объектлари барпо этилмоқда, аҳоли турмуш даражаси юксалмоқда.

Президентимиз томонидан қатъият ва жасорат билан олиб борилаётган оқилона сиёсат сабаб мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлиб турибди. Бироқ ён-атрофимизга уйғоқ назар ташласак, дунёнинг турли давлатларида нотинчлик сабаб одамлар жисман ва маънан эзилаётганига, инсон қадри топталаётганига гувоҳ бўламиз. Бу мамлакатларда деярли ҳар куни бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилаётир. Мактаблар, шифохоналар, маданият ва маърифат масканлари, йирик ишлаб чиқариш иншоотлари, аҳоли турар-жойлари харобага айланмоқда. Сайёрамизнинг турли минтақаларида рўй бераётган бундай мудҳиш воқеаларга уйғоқ кўз, теран тафаккур билан қараш ва баҳо бериш лозим.

Бугунги дунёда ўзининг қадр-қимматини, ғурур ва ор-номусини англаб яшайдиган, ўз кучи, қудратига ишонган, ўз меҳнати, ақл-заковати билан келажагини қуришга, ўз юртини ҳимоялашга қурби етадиган давлат ва халқни жаҳон аҳли тан олади ва ҳурмат қилади. Ўзбекистонимизнинг, халқимизнинг жаҳон узра обрў-эътибори, нуфузи ошиб бораётгани бунга ёрқин мисолдир.

Дилафрўз САЙФУТДИНОВА,
Сергели политехника касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

"КАМАЛАК"НИНГ БИЛИМДОНЛАРИ САРАЛАНДИ

"Камалак" Болалар ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштириш, йигит-қизлар томонидан олиб борилаётган ижтимоий фаолиятни қўллаб-қувватлаш, ташкилот аъзоларининг фаолият тизимини янада мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий нуфузини ошириш, Ҳаракатнинг ривожига муносиб ҳисса қўшишлари ва келажакда етук кадрлар бўлиб етишишларига кўмаклашиш мақсадида "Камалак" билимдонлари" танлови ўтказиб келинмоқда.

Танловнинг Яккасарой туман босқичи 135-умумтаълим мактабида "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши томонидан ташкил этилди. Унда минтақавий босқичда ғолиб бўлган 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган тумандаги 14 та умумий ўрта таълим муассасалари "Камалак" Болалар ташкилоти аъзоларидан ташкил топган жамоалар иштирок этдилар.

Низом бўйича жамоалар 4 та шарт – тақдимот, саҳна кўриниши, савол-жавоб ва ижтимоий лойиҳа орқали баҳолаб борилди.

Танлов натижаларига кўра 1-ўринни ҳамда шаҳар босқичида иштирок этиш йўлланмасини 319-мактабнинг "Учар юлдузлар" жамоаси қўлга киритди. 2-ўринни 135-мактабнинг "Камалакча" ва 3-ўринни 118-мактабнинг "Аҳиллик" жамоалари эгаллашди.

Фахрли ўринни эгаллаган жамоалар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зарина РУСТАМОВА

ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Пойтахтимизда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ўтказилаётган "Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" мавзуидаги тарғибот тадбирларининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйича якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги масъул ходимлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, тарғибот гуруҳлари аъзолари, таълим муассасалари раҳбарлари, иқтидорли ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги таълим муассасаларида маданият ва санъат намоёндалари иштирокида "Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай марраларни эгаллашимиз керак?" мавзуида тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Пойтахтда бошланган мазкур тадбирлар Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Республика маънавият тарғибот маркази, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ёшлар маданият ва санъат маркази билан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

Ушбу режа асосида тадбирлар Тошкент шаҳрининг 11 та туманида, 113 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ҳамда 34 та олий таълим муассасасини қамраб олди. Ушбу тадбирларда 135 нафардан зиёд таниқли шоир ва ёзувчилар, кино ва театр актёрлари, санъаткорлар ва эстрада хонандалари, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари иштирок этиб, уларда жами 76 минг 718 нафар ўқувчи ва талаба ёшлар иштирок этишди.

Шунингдек, Тошкент вилоятининг 4 та шаҳар ва 14 та туманларида ҳам тадбирлар юқори савияда ташкил этилди.

Тадбирда иштирок этган халқимизнинг севимли санъаткорлари, шоир ва ёзувчилар ўқувчи ва талаба ёшларга мустақилликка қадар бўлган давр ва мустақилликдан сўнг эришилган ютуқлар, амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотларни "жонли мисоллар" билан сўзлаб бердилар. Чорак аср давомида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар, халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилган бунёдкорлик ишлари тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Матбуот анжуманида "Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай марраларни эгаллашимиз керак?" мавзуидаги тарғибот тадбирларини янада юқори савияда ташкил этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Шу билан бирга ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз истеъдодларини тўла намоён этишларига кўмаклашиш мақсадида йил давомида ўтказилиши режалаштирилган маданий-маърифий тадбирлар тўғрисида маълумотлар берилди.

З.ШАРИФЖОНОВ

Миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёшларда келажакка ишонч, она Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласига бугунги кунда катта аҳамият қаратилмоқда.

Фестивалар

ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ БАРКАМОЛ АВЛОД

Ёшлар ўртасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари, Президентимизнинг фармон ва асарлари, ҳукумат қарорларини атрофлича тушунтириш, иқтидорли ижодкорларни аниқлаш мақсадида Юнусобод туманида жойлашган барча таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида "Юксак маънавиятли авлод" фестивалининг туман босқичи ўтказилди.

Тошкент молия институти ҳамда Юнусобод маданият ва аҳоли дам олиш марказида "Президент асарлари билимдони", "Энг янги тарих билимдони", "Бадиий ижод", "Энг иқтидорли ҳунарманд", "Ўз асарида миллийликни акс эттирган рассом", "Юксак маънавиятли авлод", "Ўз асарида миллийликни акс эттирган дизайнер" ва "Ватан куйчиси" номинациялари бўйича танловнинг дастлабки босқичи ташкил этилди.

Тадбир аввалида иштирокчиларнинг кўргазмаси ташкил этилиб, ижодий иш намуналари ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланди.

— Аҳолининг кенг қатламлари, аввалambор, ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган маърифий тадбирларнинг аҳамияти катта, — дейди Юнусобод туман ҳокими ўринбосари, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Турғун Киргизбаев. — Мазкур танлов ёшларнинг дунёқараши ва фикрлаш доирасини янада кенгайтириш, уларнинг маънавий баркамол шахс бўлиб, жамиятда ўз ўринларини топишлари ҳамда қизиққан соҳасининг етук мутахассисига айланишларига муҳим ҳисса қўшади. Фестивалда тумандаги умумтаълим мактаблари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари бор иқтидору истеъдодларини намоён этишди.

Тадбир сўнгида фестивалнинг туман босқичи ғолиблари аниқланди. Фестиваль иштирокчилари барча номинациялар бўйича баҳоланаётганда 14-16, 17-19, 19-25 ёш тоифаларига эътибор берилди. Юқори балл тўплаган иштирокчилар шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

Танловнинг бадиий қисмида Юнусобод туман маданият ва аҳоли дам олиш марказининг санъаткорлари томонидан концерт дастури намойиш этилди.

Юксак савияда ўтган тадбирни кузатиб ёшларнинг келажакка ишонч билан боқаётгани, она Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбияланишларида муҳим аҳамиятга эгалигини ҳис қилдик. Асосийси иштирокчиларнинг эришган ютуқлари тарғиб этилиб, эътирофга сазовор бўлдилар.

Зиёда РАСУЛОВА

ТИЛ ЎРГАНИШГА ЭЪТИБОР

Хорижий тилларни билиш ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топиб олишдаги муҳим жиҳатдир. Шаҳримиздаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида чет тилларини ўргатиш ва ўрганишга бўлган эътибор катта.

Жумладан, Тошкент авиасозлар коллежида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан, ўқувчиларнинг умумтаълим ва умумкасбий фанлари қаторида инглиз тилини мукаммал ўрганишлари учун кенг имконият яратилган. Инглиз тили ўқув фани хоналарига жорий ўқув йилида янги компьютер жиҳозларига мослаштирилган столлар келтирилди. Ўқувчиларнинг матнни тинглаб тушуниши учун турли хил грамматик, фонетик машқларни бажаришларида қўл келадиган замонавий технологиялардан фойдаланилмоқда.

— Таълим муассасамизда ўтказиладиган тадбирларни инглиз тилида бошлаш анъанаси қарор топган, — дейди таълим даргоҳида кўп йиллардан бери чет тилидан сабоқ бериб келаётган педагоглардан бири Феруза Қодирова. — Битирувчи гуруҳ ўқувчиларимиздан икки нафари ўз битирув малакавий ишини инглиз тилида ёзиш истагини билдирганида, қўллаб-қувватладик. 1-2-босқич ўқувчилари эса инглиз тилида ўз фикрларини эркин баён қила оладилар. Берилган маъруза матнлари асосида иншо ёздириб кўрганимизда, биз педагоглар ўқувчининг бехато имлосидан, изчил фикр юритишидан хурсанд бўлдик.

Коллежда ўқувчининг инглиз тилини чуқур ўрганишига имкон туғдирадиган яна бир жараён тўгаракларнинг ташкил этилганидир. Умумкасбий хусусиятдан келиб чиққан ҳолда қараладиган бўлса, машғулотларда бўлғуси мутахассислар техник атама ва сўзларнинг бир-бирига боғланишини, гап тузишдаги иштирокини билиб оладилар.

Ҳулкар КУЗМЕТОВА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида экологик таълимни такомиллаштиришга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМГА БАҒИШЛАНДИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи, Ўзбекистон Экологик ҳаракати аъзолари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ходимлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутасаддилари иштирок этди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши раиси ўринбосари С.Сангинов, қуйи палатанинг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси С.Самойлов ва бошқалар кейинги йилларда таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида экологик таълимни ривожлантириш, ёшларда атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш туйғусини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Анжуманда экологик таълим-тарбияни янада такомиллаштириш истиқболлари, бунда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш, ўқув-услубий қўлланмаларни такомиллаштириш, миллий узлуксиз экологик таълим концепциясини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги вазифалар муҳокама қилинди.

– Ўзбекистон таълим муассасаларидаги замонавий шароитлар, хорижий тилларни пухта ўзлаштирган иқтидорли ёшлар, илғор педагоглар бизда катта таассурот қолдирди, – дейди швециялик профессор Ларс Райден. – Мутахассислигим эколог бўлгани боис мамлакатингиздаги экологик таълим жараёни билан қизиқдим. Орол муаммосига бағишланган халқаро семинарлар, экологик вазиятни барқарорлаштирувчи турли лойиҳалар менга манзур бўлди. Айниқса, мактабгача таълим муассасалари, мактаб, коллеж ва олий ўқув юртларида бу фаннинг пухта ўргатилиши ёшларнинг она табиатга меҳрини ошириб, уни асрашга ундайди.

А.ҚИЁСОВА,
ЎзА мухбири

Спорт янгиликлари

ВАЗИФАЛАР ВА РЕЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Миллий матбуот марказида болалар спортини ривожлантириш истиқболларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижро этувчи директори Э.Искандаров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ва 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари соҳа ривожида муҳим дастурламал бўлмоқда.

Ўғил-қизларда спортга қизиқишни оширишда жойларда ўтказиладиган спорт мусобақаларининг аҳамияти катта. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таълим тизимида жорий қилинган уч босқичли узлуксиз спорт ўйинлари – "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақалари ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Жамғарманинг минтақавий филиаллари томонидан ҳам турли мусобақалар, спорт фестивалларии мунтазам ташкил этилмоқда.

Ана шундай мусобақаларда тажриба ва маҳоратини оширган мамлакатимиз ёшлари халқаро миқёсдаги турли мусобақаларда иштирок этиб, ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олиб келмоқда.

2016 йилда жамғарма маблағлари ҳисобидан 251 болалар спорти иншооти, 18 мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. 2004-2015 йилларда фойдаланишга топширилган спорт иншоотлари ва умумтаълим мактаблари спорт залларини қайта жиҳозлаш бўйича манзилли дастурга киритилган 212 спорт иншооти ва 6892 умумтаълим мактабининг спорт заллари 28,3 миллиард сўмлик 93 номдаги спорт анжомлари билан жиҳозланади.

2016-2020 йилларга мўлжалланган дастур асосида вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида 14 янги ихтисослаштирилган олий маҳорат спорт мактаби, замонавий, зарур ускуналар билан жиҳозланган 225 болалар-ўсмирлар спорт мактаби, вилоят марказларида спортнинг 4 йўналиши бўйича 56 ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби ташкил этиш, барча даҳаларда спорт зоналарини (кўча тренажёрлари, баскетбол халқаси, футбол учун мини майдон) ўз ичига олувчи болалар майдончалари қуриш режалаштирилган.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири



Муҳаммад Амин олган сурат

"Пахтакор" марказий стадионида ўтказилган "Пахтакор" – "Насаф" жамоалари учрашуви мамлакат XXV миллий чемпионатининг 4-турига якун ясаб берди.

МУРОСА ЙЎЛИНИ ТАНЛАШДИ

Турнинг марказий баҳси ҳисобланган ушбу ўйинда ҳар икки жамоага ғалаба сув ва ҳаводек зарур эди. Чунки ўтган учта турда "Насаф" барча рақибларини мағлуб этиб 9 очко жамғарган ҳолда пешқадамликка даъвогарлик қилаётганди.

"Пахтакор" эса икки ғалаба ва битта дурангдан сўнг очко йўқотган ва фақат зафар қучиши лозим эди. Учрашув муросасиз ва шиддатли курашлар остида ўтди. Дастлабки гол 43-дақиқада мезбонлар футболчиси Камолиддин Тожиев томонидан киритилди. Аммо, ушбу устунликни пахтакорчилар ўйин охиригача сақлаб қола олишмади. Иккинчи бўлимда, аниқроғи, 57-дақиқада меҳмонларнинг ёш ҳужумчиси Бобур Абдуҳамидов жавоб тўпини киритди. Қолган дақиқаларда томонлар ҳисобни ўзгартиришга қанча уринишмасин, ўйин 1:1 ҳисобида якунланди.

Жорий мавсумда чемпионликка астойдил интилаётган "Локомотив" ҳам ушбу турда сафарда очко йўқотди. Жиззахда "Сўғдиёна" меҳмони бўлган темирйўлчилар мезбонларни енгишнинг уддасидан чиқа олишмади ва беллашув 1:1 ҳисобида якунланди.

Олий лиганинг янги вакили "Обод" жамоаси ушбу турда Тошкентда "Қизилқум" командаси билан тенгма-тенг ўйнади ва баҳс 2:2 ҳисобида якунланди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Қўқон" – 1912" — "Бухоро" — 0:1, "Андижон" — "Нефтчи" — 2:1, "Олмалиқ" — "Металлург" — 2:0, "Машъал" — "Навбаҳор" — 2:1, "Шўртан" — "Бунёдкор" — 0:1.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ТАРКИБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Филиппин пойтахтида таэквондонинг WTF йўналиши бўйича 16-20 апрель кунлари навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

Эътиборлиси, бу мусобақа август ойида Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI олимпия ўйинларида иштирок этиш учун йўлланма берувчи қитъавий турнир вазифасини ҳам ўтаб беради. Яъни ўтган йилги жаҳон рейтингида кучли олтиликдан ўрин олган спортчилар олимпиадага йўлланма олган бўлса, бу мусобақа орқали қолган таэквондочилар ҳам тўрт йилликнинг энг нуфузли спорт мусобақасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиши мумкин.

Осиё чемпионатида терма жамоамизнинг энг кучли вакиллари — Дмитрий Шокин, ака-ука Рафаловичлар, Жасур Бойқўзиев қитъа чемпионлиги учун баҳс олиб боришади. Шунингдек, Темурбек Ўролов, Шаҳбоз Шофайзиев, Валентин Хегай, Аброржон Нуриддинов, Динара Мамадибрагимова, Гўзал Норбобоева, Зария Қосимова, Нигора Турсунқулова ва Нигина Ражабовалар ҳам якуний таркибга киритилган.

Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида шахмат бўйича Осиё миллатлар кубоги баҳслари ўтказилди.

ШАХМАТЧИ ҚИЗЛАРИМИЗ СОВРИНДОР

Қитъамизнинг энг кучли шахматчилари ўртасидаги беллашувларда Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Нафиса Мўминова, Сарвиноз Қурбонбоева, Ирина Геворгян, Гулруҳбегим Тоҳиржонова ҳамда Севара Боймуротова аёллар ўртасида ўтказилган беллашувларда умумжамоа бўйича шарафли иккинчи ўринни қўлга киритишди. Айниқса, Гулруҳбегим ва Нафисанинг тажрибали рақибларга қарши қийин баҳсларда маҳорат билан дона суриши ҳамюртларимизга муҳим очколарни тақдим этди.

Шунингдек, эркаклар ўртасидаги баҳсларда вакилларимиз кучли 22 жамоа орасида бешинчи ўринни банд этишди.

Ботир ХЎЖАЕВ

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

САЛОМАТЛИК ЖОНКУЯРЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оила, оналик ва болаликни муҳофазалаш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатларга жамоат ташкилотлари ҳам фаол ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан барча маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилган "Саломатлик" секторлари хонадонлардаги муҳитни ўрганиш, тиббий маданиятни юксалтириш, хасталикларнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда.

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги "Истиқлол" маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Саломатлик" секторида ҳафтанинг ҳар бир куни муайян йўналишларга бўлинган. Бу соғломлаштириш, тарғибот-тушунтириш жараёнларига аҳолининг барча қатламини қамраб олиш имконини бермоқда.

"Саломатлик" сектори мудири Моҳира Бакирова ўзи каби беш-олти нафар жонкуяр аёлни ёнига олиб, маҳалла ҳудудидаги хонадонларнинг ҳар бирига масъуллар белгилади. Оилалардаги вазиятни тўғри ва атрофлича баҳолаш, нуронийлар, айниқса, табаррук ёшдаги онахонлардан кўнгил сўраш, аёлларнинг кундалик ўй-ташвишларидан бохабар бўлишда улар яқин кўмакчи. Ҳафтанинг шанба куни оилалардаги вазият ўрганилиб, поликлиникадаги тиббиёт ходимларига маълум қилинади.

– "Саломатлик" сектори поликлиникамиз билан ҳамкорликда иш олиб бораётгани ижобий натижа бермоқда, – дейди ЎзА мухбирига 3-оилавий поликлиника бош шифокори Муаттар Абдуллаева. – Айрим аёллар ўз соғлиғига етарлича эътибор бермайди. Баъзан касаллик ўтказиб юборилганидан кейин шифокорга мурожаат этиш ҳолатлари учраб туради. Бундай кўнгилсизликнинг олдини олиш, хонадонлардаги ҳолатни ўрганиш, барча оила аъзоларининг саломатлиги тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлишда "Саломатлик" сектори фаолларининг хизмати катта бўлмоқда.

Оналар ва болаларни тиббий кўрикка чақириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, чақалоқларни профилактик эмлашда ҳам сектор муҳим ўрин тутмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мадина Абдуллаеванинг айтишича, яқинда фарзанд кўриш арафасидаги келинлардан бири ўзини бироз дармонсиз сезаётган экан, поликлиника шифокорлари кўриб, ундаги камқонлик илк босқичда аниқланибди ва ўз вақтида даволанибди.

Сектор иши фақат турли касалликларни эрта аниқлашу профилактика чораларини кўриш билан чекланмайди. Маҳалла ҳудудидаги болалар спорт-соғломлаштириш мажмуасида хотин-қизлар иштирокида спорт мусобақалари, фитнес машғулотлари ўтказиш анъанага айланган.

Қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, сузишни ўрганиш иштиёқидагиларнинг рўйхати шакллантирилиб, муайян кунларда машғулотларга қатнаши йўлга қўйилди.

– "Саломатлик" сектори фаолларининг жонкуярлиги одамларни ўзи, фарзандлари, яқинлари соғлиғига эътиборли бўлишга ундамоқда, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Бойсариев. – Бу оилаларда тиббий маданият юксалиши, маҳалламизда озодалик, санитария-гигиеник ҳолат барқарорлиги таъминланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Назокат УСМОНОВА

Пойтахтимизда ёнғинларнинг олдини олиш, фуқароларимизга унинг салбий оқибатлари, "тилсиз ёв" натижасида ўзи ва ўзганинг мулкига, энг ачинарлиси соғлиғига зарар етиши мумкинлиги тўғрисида ва уни бартараф этишда нималарга эътибор қаратиш кераклиги ҳақида тизимли равишда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

"101"

МАҚСАДИМИЗ — ЁНҒИНЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Яшнобод тумани ЁХБ шахсий таркибининг саъй-ҳаракатлари билан ёнғинлар сонини камайтириш мақсадида туман ҳудудида жойлашган 57 та маҳаллаларда, туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли коллежларда, Меҳрибонлик уйи, махсус мактаб-интернатларида ва корхона-ташкилотларда учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар, Яшнобод тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими кўчаларни темир бетон тўсиқлар билан тўсиб қўймасликни, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишни, бу билан сиз нафақат ўзингизни балки атрофингиздаги яқинларингиз, қўни-қўшниларингизнинг ҳаёти ва молмулкини асраб қолишингизни яна бир бор эслатиб ўтади.

Умиджон ИМИНОВ,
Яшнобод тумани ИИБ ЁХБ 8-ҲЁХО 4-ҲЁХҚ смена бошлиғи, катта лейтинант

Санъат

БИЗНИНГ ЁШ НИҲОЛЛАРИМИЗ

Ўзбекистон давлат консерваториясида Қаҳрамон, Робияхон, Достонбек Ғуломжоновлардан ташкил топган оилавий "Ҳавас" гуруҳининг "Ниҳол илҳомлари – 2016" номли классик концерт дастури ўтказилди.

Ушбу гуруҳ 2010 йилдан бери анъанавий тарзда классик ва эстрада жанрларида мунтазам концертлар тақдим этиб, қизғин ижод қилиб келмоқда.

Дастур оиланинг тўнғич фарзанди Қаҳрамон Ғуломжоновнинг диплом иши, яъни, фортепиано ва оркестр учун концерт асари билан бошланиб барчага бирдай хуш кайфият улашди.

Шунингдек, Достонбек томонидан скрипка оркестр учун ижро этилган Д.Виоттининг "Ля-минор" асари барчага манзур бўлди.

Етти яшар Робияхон скрипка, оркестрга бағишланган "Ля-минор" асарини маҳорат билан намойиш этиб меҳмонларнинг олқишига сазовор бўлди.

Дастур сўнгида жаҳон классик куйи Д.Гершвининг "Рапсодия в стиле блюз" фортепиано ва оркестр учун асари билан якунланди.

* * *

Яқинда ушбу ўқув даргоҳида П.Чайковский номидаги Москва давлат консерваториясининг аспиранти, халқаро ва республика кўрик-танловлар ғолиби Ойбек Имомовнинг "Виолончель мусиқа кечаси" деб номланган яккахон концерт дастури тингловчилар эътиборига ҳавола этилди.

Кўтаринки руҳда ўтказилган концерт дастурида истеъдод соҳиби Ойбек ўзининг виолончели билан биргаликда П.Чайковский номидаги "Энг яхши ёш концертмейстерлар" кўрик-танлови ғолиби Марат Мансиревнинг фортепиано ижросига жўр бўлди.

Ойбек Имомовнинг ёшлигидан мусиқага қизиқиши баланд бўлган. У В.Успенский номидаги республика мусиқага ихтисослашган академик лицейни виолончель ҳамда фортепиано мутахассислиги бўйича тамомлаган.

Концерт дастури икки қисмдан иборат бўлди. Таъкидлаш жоизки И.Бах, Г.Лигети, К.Дебюсиларнинг асарлари ҳамда Р.Шуманнинг халқ куйлари асосида ижро этилган мусиқий асарлар меҳмонларнинг кўнглидан жой олди.

Худойберди АБДУРАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан Чилонзор туманидаги 36-сон оилавий поликлиника филиалига 2008 йил 2 майда берилган битта штамп, битта думалоқ ва иккита учбурчак муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **15 апрель** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 10-12, кундузи — 26-28 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **15 апрелда** ва **16 апрель** тонгда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9224

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 455

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10372 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 13.30

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ